Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

● 2014-yil, 5-iyun. Payshanba ● 68 (31.815) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Маҳаллий Кенгашлар депутатлари депутатлик назоратини қанчалик даражада таъсирчан олиб борса, бу маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини таҳлил этиш, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларида учраётган муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.



# Қонун берган ваколатлардан

## самарали фойдаланиш зарур

**«Депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш» мавзусидаги семинарнинг навбатдагиси Юқори Чирчиқ туманида ўтказилишини билгач, у ерга эртароқ боришга ҳаракат қилдик. Мақсад — ЎзХДП гуруҳлари фаолияти ҳақида батафсил ахборот олиш эди.**

Семинар ўтказиладиган бинога кираверишда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари ва партия фаолларидан бир гуруҳини учратдик. Буни қарангки, суҳбатнинг бош мавзуси айнан бизни қизиқтирган саволлар эди.

— Депутатни халқ катта ишонч билан сайлайди, — деди **ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Сирожиддин Аъзамов.** — Шундай экан, одамлар манфаатини ўйлаб курашиш ҳар бир депутатнинг кундалик вазифаси. Ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш билан боғлиқ ишларда депутатларимиз фаол иштирок этяпти.

► Давоми 2-бетда.

СЎЗ — ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

# Ўзбекистон иқтисодиёти изчил ривожланмоқда

**Тошкентда 5-6 июнь кунлари «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтади. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ушбу анжуманда 200 дан ортиқ чет эллик олимлар, экспертлар, инвесторлар ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбар ва вакиллари иштирок этади.**

ЎзА мухбирлари конференциянинг хорижлик иштирокчилари билан суҳбатлашди.




**Михаил КУЛИК,**
***«Sampo Rosenlew» компанияси менежери (Финляндия):***

— Ўзбекистон иқтисодиёти жадал тараққий этмоқда. Шу боис кўплаб давлатлар мамлакатингиз билан ҳамкорликни кенгайтиришга интилмоқда.

Компаниямиз ғалла ўрадиган комбайнлар ишлаб чиқаради. Ўзбекистон ғалла мустақиллигига эришган кам сонли мамлакатлардан. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ғалла ҳосилдорлигини ошириш, соҳага замонавий агротехнологияларни жорий қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлардан яхши хабардормиз. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликни кенгайтириш, мутахассислар алмашинувини йўлга қўйиш ниятидамиз.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, фермер ва ишбилармонларга имтиёзлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани эътиборга молик. Бу мамлакат иқтисодиётининг изчил ривожланиши, озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланишида муҳим омилдир.

**Нео По Им ДОРОТИ хоним,** ***«Food Expertise» компаниясининг савдо менежери (Сингапур):***

— Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва аҳолига етказиб бериш жараёни пухта шаклланганига ва бу бўйича катта тажриба тўпланганига гувоҳ бўлаяпмиз. Ўзбекистон нафақат саховатли тупроғи, тотли мева-сабзавотлари, балки қишлоқ хўжалиги техникаси, машиналари ва асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш саноатининг изчил ривожланаётгани билан ҳам фахрланса арзийди. Мамлакатингизнинг ушбу йўналишда фаолият юритадиган фирма ва компаниялари билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш, муайян келишувларга эришиш имконига эга бўлдик.

Ўзбекистонга биринчи келишим. Бу гўзал мамлакат ҳақида кўп эшитганман. Айниқса, Самарқанднинг довруғи бутун оламга таралган. Халқаро конференция доирасида уни зиёрат қиламан. Бу менга катта мамнуният бағишлайди.

**Витаутас РУЗГАС,**
***Литва қишлоқ хўжалиги институти директори:***

— Ўтган йили Тошкентда ўтказилган «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этгандим. Ўшанда нафақат пойтахтингизда, балки мамлакатингизнинг қишлоқ жойларида ҳам шаҳардагидан қолишмайдиган уйлар барпо этилганини кўрганман. Намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган замонавий уй-жойлар қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, уларга ўзгача кўрк ва файз бағишлаш билан бирга, халқ ҳаётини обод, турмушини фаровон қилмоқда.

Ўзбекистоннинг бозорлари, дўконлар ва савдо марказларида бўлиб, мамлакатингиз озиқ-овқат саноати юксак даражада ривожланганига амин бўлдим. Савдо расталаридаги бежирим қадоқланган ҳар бир маҳсулот юқори сифати, табиийлиги, хуштаъмлиги ва, энг муҳими, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилгани билан эътиборимни тортди.

Ўзбекистоннинг ноз-неъматлари бутун дунёда қадрланади. Саховатли ўзбек заминида етиштирилаётган тотли мева-сабзавотлар Литвага ҳам кўпроқ боришини жуда хоҳлардик.

Мамлакатингизнинг ялпи ички маҳсулоти барқарор суръатларда ўсиб бормоқда. Барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар аҳоли турмуш даражаси юксалишида муҳим омил бўлмоқда.

**ЎзА мухбирлари Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.**

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ



# Юзма-юз мулоқотлар

## натижалари муҳокама қилинди

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатларнинг жорий йил 26-31 май кунлари сайлов округларида олиб борган фаолияти натижалари кўриб чиқилди.**

► Давоми 2-бетда.

# «Ҳар гўдакни мўъжиза деб билинг, қутқариши мумкин дунёни»

**«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари, Республика «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди АКЦИЯСИ**

***Тошкент шаҳри, 2014 йил 30 май, Ногирон болалар 1-сон мурувват интернат уйи***

► Давоми 4-бетда.

**Фракция сиёсий партиянинг Сайловолди дастурини амалга ошириш, ғояларини қонунларда акс эттиришда асосий кучдир. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентига киритилган охирги ўзгартиш ва қўшимчалар сиёсий партияларнинг фракцияларига электорат манфаатини ишончли ҳимоя қилиш борасида қўшимча имконият ҳамда кафолатлар яратди.**

ЎзХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

# Хотин-қизларнинг

## ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш биз учун устувор аҳамиятга эга

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш бўйича муҳим вазифалар белгиланган.**

Шундан келиб чиқиб, ЎзХДП ташкилотлари ташаббуси билан жойларда хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, давлат ва жамият бошқарувини янада демократлаштиришда улар иштирокини кучайтириш масалаларида кўплаб амалий ишлар олиб борилмоқда.

Қашқадарё вилоятида партиямизнинг 34195 нафар аъзоси бўлиб, уларнинг 11825 нафарини хотин-қиз ташкил этади. ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти вилоят бўлими уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масаласига катта эътибор қаратиб келмоқда.

► Давоми 2-бетда.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

# Муҳим сиёсий жараёнларга тайёргарлик

**масаласи муҳокама этилди**




www.uzbekistonovozi.uz

НУҚТАИ НАЗАР

# Депутат ва сайловчи

## учрашувларида яқинда қабул қилинган қонунлар моҳияти очиб берилди

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзосиман. Узоқ йиллар Қарши давлат университетида талабаларга дарс бердим.**

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган воқеаларни мунтазам кузатиб бораман. Юртимизда парламент ислоҳотлари изчил олиб бориляпти, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинмоқда. Бунинг натижасида давлат ҳокимияти органлари ва аҳоли ўртасидаги алоқалар тобора ривожланиб боряпти.

Яқинда 123-Насаф сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Комила Каромова Қарши шаҳрининг бир қатор ҳудудларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказди. Биз билан дилдан суҳбатлашди.

Депутат сайловчиларга «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳияти, фуқаролар ҳаётидаги аҳамияти ҳақида гапириб берди. Депутатнинг таъкидлашича, ушбу Қонунга биноан исталган фуқаро давлат ҳокимияти ва бошқаруви органига ўзини қизиқтирган масала юзасидан сўров билан мурожаат қилиши мумкин. Бу фуқароларнинг нафақат ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиради, балки фаол фуқаролик позицияси, қарашларини шакллантиришга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Шунингдек, Комила Каромова Бош қомусимизнинг 32-, 78-, 93-, 98-, 103- ҳамда 117-моддаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида ҳам батафсил сўз юритди.

Мен Қарши шаҳридаги оилавий поликлиникада бўлган учрашувда ҳам иштирок этдим. Ушбу муассасада фаолият юритаётган Ўзбекистон Халқ демократик партияси бошланғич ташкилоти етакчиси Сувон Худойқулов «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Мазкур поликлиникада ҳам айрим тиббий ускуналарга эҳтиёж борлигини қайд этди. Депутат бу масалага тегишли мутасаддилар эътиборини жалб этишни ЎзХДПдан сайланган маҳаллий Кенгаш депутатлари билан бирга назоратга олишини айтди.

Депутатимизнинг сайловчилар олдидаги ҳисоботи, одамларнинг бу ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини тинглар эканман, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти анча юксалганининг гувоҳи бўлдим.

**Чўлпоной СУЛТОНОВА, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби.**

**ЎзХДП Андижон вилоят кенгашида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонун мазмун-моҳиятини жамоатчилик ва электорат вакилларига кенг тушунтиришга бағишланган тадбир ўтказилди.**

*Унинг тафсилотлари билан газетамизнинг келгуси сонларидан бирида танишасиз.*

• 2014-yil, 5-iyun.
Payshanba • 68 (31.815)-son
www.uzbekistonovozi.uz

Учрашувлар пайтида мамлакатимизда барча жабҳада олиб борилаётган ислоҳотлар ҳаётий самаралар бераётганига, фуқаролар уларни қўллаб-қувватлаётганига яна бир бор гувоҳ бўлдик

ЎзХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

# Хотин-қизларнинг

## ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш биз учун устувор аҳамиятга эга

Хусусан, хотин-қизлар иштирокида бир қатор долзарб мавзуларни қамраб олган сиёсий ўқувлар ташкил этилаяпти. Масалан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, уларни иш билан таъминлаш мақсадида «Хотин-қизларнинг ҳуқуқий-тиббий маданиятини ошириш», «Соғлом бола — соғлом оилада камол топади» ва «Аёллар бандлиги — обод турмуш гарови» лойиҳалари доирасида «Оила мустаҳкамлигини таъминлашда аёлнинг ўрни», «Обод юртнинг обод оилалари», «Аёл фаол бўлса, миллат баркамол», «Соғлом авлод — соғлом келажак» каби мавзуларда тадбирлар ташкил этилди.

Мисол учун, яқинда барча туман ва шаҳарларда «Аёллар бандлиги — обод турмуш гарови» лойиҳаси доирасида қатор тадбирлар ўтказилди. Уларда ишсиз бўлган 55 нафар хотин-қизни енгил саноат, тикувчилик, хизмат кўрсатиш ва сервис, касаначилик, оилавий ҳамда якка тадбиркорликка жалб қилиш орқали ишга жойлаштиришга кўмаклашилди.

Айтиш жоизки, хотин-қизлар сиёсий жараёнларда иштирок этишига эришиш, ҳуқуқий маданиятини, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида ижтимоий шерикчилик муносабатлари яхши самара бермоқда. Хотин-қизлар қўмитаси, «Олима аёл», «Оила» илмий-амалий маркази, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди каби қатор ташкилотлар билан биргаликда кўплаб тадбир ва давра суҳбатлари ўтказилаяпти. Масалан, яқинда ҳамкор ташкилотлар билан республика саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиалида болаларнинг таълим олиши ва касб эгаллаши, ота-онанинг фарзанд олдидаги масъулиятини ошириш, қизларнинг эрта турмушга чиқишининг олдини олишга бағишланган тадбир ўтказилди. Бу борада тушунтириш ва тарғибот ишларини самарали йўлга қўйишга доир вазифалар белгиланди.

Умуман олганда, давлат ва жамият бошқарувида хотин-қизларнинг ўрни ва ролини ошириш, оилаларни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги кенг кўламли ишларнинг самарасини хотин-қизларимиз ҳаёти мисолида кўриб турибмиз. Айниқса, «Соғлом бола йили» Давлат дастури мазкур йўналишдаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда. Демак, бу вазифаларни аҳоли орасида кенг тарғиб қилишимиз, айниқса, хотин-қизларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти билан яқиндан таништиришга қаратилган тадбирларни янада изчил олиб боришимиз зарур. Бу борада партиямиз сафидаги депутат аёллар ва «Фаол аёллар» қаноти етакчилари имкониятларини бирлаштирсак, ижтимоий шерик ташкилотларимиз билан ҳамкорликни изчил олиб борсак, кутилган натижага албатта эришамиз, деб ўйлайман.

**Музаффар ТУРОПОВ,**
**ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари.**

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

# Юзма-юз мулоқотлар

## натижалари муҳокама қилинди

Йиғилишда сайловчилар билан учрашувларда кўтарилган масалалар, ўрганилган маълумотлар атрофлича таҳлил қилинди. **Фракция раҳбари Улуғбек Вафоев** таъкидладики, сайловчилар билан учрашувдан олдин «ЎзХДП фракцияси аъзоларининг сайлов округларидаги фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳаракат дастури» фракция мажлисида тасдиқланиб, аниқ вазифалар белгилаб олинган эди. Мазкур дастурга мувофиқ, фракция аъзолари, аввало, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти юзасидан сайловчиларга батафсил ахборотлар беришга эътибор қаратишди.

Хусусан, учрашувларда мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, хавфсизликни таъминлаш, давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши борасида амалга оширилаётган ишлар, олдинда турган муҳим вазифалар тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, Президентимизнинг жорий йил 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюси, Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги маърузаси мазмун-моҳиятини жойларда кенг тушунтириш ишлари олиб борилди.

— Учрашувлар пайтида мамлакатимизда барча жабҳада олиб борилаётган ислоҳотлар ҳаётий самаралар бераётганига, фуқаролар уларни қўллаб-қувватлаётганига яна бир бор гувоҳ бўлдик, — деди **фракция аъзоси Мастура Сайфиддинова.** — Шунингдек, бугунги кунда фуқароларимизнинг нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий фаоллиги, ҳаётга ва меҳнатга муносабати, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғуси, айниқса, ёшларимизнинг ўзига ва келажакка ишончи ортиб бораётганини кўрдик.

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

— Илгари сайловчилар депутатларга аксарият ҳолларда фақат ижтимоий-маиший, баъзан шахсий масалалар юзасидан мурожаат қилиш билан чекланар эди, — деди **фракция аъзоси Хайрулла Рўзметов.** — Аммо ҳозир ундай эмас. Эндиликда сайловчилар депутатларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти, қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти, муҳокама қилинаётган қонунлар лойиҳалари тўғрисида, депутат аъзо бўлган қўмита ва фракция фаолияти ҳақида саволлар билан мурожаат қилмоқда. Шунингдек, таълим, банк-молия, соғлиқни сақлаш, уй-жой-коммунал хўжалиги, транспорт, қурилиш, алоқа масалаларига оид саволлар ва таклифларини билдиришди.

— Қабул қилинган қонунларнинг ижроси, қандай қонунларга эҳтиёж борлиги, аҳоли, хусусан, электорат вакиллари қандай муаммоларга дуч келаётганини ва уларни ҳал этиш бўйича нималар қилиш зарурлигини ўрганиш учрашувлар давридаги фаолиятимизнинг муҳим йўналиши бўлди, — деди **фракция аъзоси Саттор Раҳматов.** — Бундан ташқари, партиямизнинг устувор дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш масаласи ўрганилди. Аввало, бу борада барча ҳудудда кенг кўламли ишлар олиб борилаётганини таъкидлашни истардим. Аммо ютуқлар билан бирга, айрим муаммо ва камчиликлар мавжудлиги ҳам маълум бўлди.


Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

**Сайловчилар депутатларга таълим, банк-молия, соғлиқни сақлаш, уй-жой-коммунал хўжалиги, транспорт, қурилиш, алоқа масалаларига оид саволларини беришди ва таклифларини билдиришди.**

Таъкидландики, фракция аъзоларининг сайлов округларидаги фаолияти даврида фуқаролар томонидан **15 га яқин** йўналишда масалалар кўтарилган. Депутатлар муайян ижтимоий масалаларни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан бирга жойида ҳал қилишга эришган. Сайловчиларнинг айрим мурожаатлари жойларда тегишли давлат идораларига юборилган ва назоратга олинган. Аҳолини табиий газ, электр энергияси ва тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар, пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўз вақтида берилиши каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Фракция йиғилишида депутатларнинг сайлов округларидаги фаолияти якуни таҳлил этилди ва мазкур масала юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорда сайловчилар кўтарган масалаларни умумлаштирган ҳолда, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг мутасадди органларига (мансабдор шахсларга) асослантирилган тушунтириш бериш бўйича сўровлар юбориш, 2014 йилда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассисликларига мувофиқ иш билан таъминлашга доир кўрсаткичларнинг бажарилиши юзасидан парламент эшитувини ўтказиш масаласини Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиш, қонун ижодкорлиги ташаббусларини кенгайтириш ва бошқа муҳим вазифалар ўз аксини топди.

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎзХДП ҲАЁТИДАН

# «Соғлом болани вояга етказишга ҳаммамиз масъулмиз»

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Оҳангарон туман кенгаши ташаббуси билан тумандаги «Хонобод» маҳалла фуқаролар йиғинида шу мавзуда тадбир ташкил этилди. Унда партия фаоллари, депутатлар, маҳаллада истиқомат қилувчи фуқаролар иштирок этди.**

Тадбирда соғлом бола туғилиши, соғ-саломат ўсиб-улғайиши, таълим-тарбия олиши учун аввало, юртимизда яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, бу жараён ота-она, таълим, тиббиёт муассасалари, маҳалла, жамоатчилик — барчадан бирдек масъулият талаб этиши айтиб ўтилди. Соғлом бола йили Давлат дастури ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш масалалари ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд оилалар фарзандлари ҳамда тумандаги 58-сон махсус умумтаълим мактабининг уйда таълим олувчи 5 нафар имконияти чекланган ўқувчисига халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати Музаффар Саидкаримов томонидан совғалар топширилди.

Шунингдек, 2-сон мактабгача таълим муассасаси ва имконияти чекланган болалар учун мўлжалланган 13-сон махсус мактабгача таълим муассасасида ҳам шундай тадбирлар уюштирилди.

**Гулжаҳон ҚОСИМОВА**

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

# Қонун берган ваколатлардан

## самарали фойдаланиш зарур

Туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари маҳаллий Кенгашлар сессиялари муҳокамасига электорат манфаатлари ҳимоясига қаратилган қатор масалаларни киритаяпти. Масалан, жорий йилнинг биринчи чорагида Тошкент вилояти бўйича 16 масала партия гуруҳларида, 8 масала доимий комиссияларда ва 2 масала сессияларда кўриб чиқилди. Вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги партия депутатлари томонидан 28 маротаба депутатлик сўрови юборилган. Натижада ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари атрофлича таҳлил этилиб, мавжуд камчиликларни ҳар томонлама бартараф этишга қаратилган қарорлар қабул қилинмоқда.

— Бугун депутатларимиз иши анча фаоллашди, — деди **Юқори Чирчиқ туман партия кенгаши раиси Латифжон Мансуров.** — Халқ депутатлари Юқори Чирчиқ туман Кенгашида партиямизнинг 13 нафар депутати бор. Улар ўз ваколати доирасида депутатлик назоратининг турли шакллари, депутатлик сўрови орқали аҳолининг ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд қатламини ташвишга солаётган масалаларни ечишга ҳаракат қилишмоқда. Бир мисол. Яқинда депутатимиз Муҳиддин Норматов туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Мурод Сайдиакрамовга депутатлик сўрови билан мурожаат қилди. Унда Довулбой маҳалласи кўчаларини асфальт қилиш масаласи қўйилган эди.

Мутасадди ташкилотлар депутатлик сўровига жавоб беришди. Унда 2014 йил ички йўлларни таъмирлаш манзилли дастурига маҳалладаги 0,324 км. йўлни таъмирлаш киритилгани қайд этилган эди. Ҳозир бу борада иш олиб борилмоқда. Умуман олганда, жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида 18 та депутатлик сўрови юборилган бўлса, аксариятида кўтарилган масалалар вақтида ҳал этилди.

— Партиянинг амалий Ҳаракат дастурида туман партия кенгаши ва гуруҳига иккита масалани ўрганиш вазифаси топширилган эди. Бу бўйича қандай ишлар олиб борилаяпти? — дея туман партия кенгаши раисига савол берди Сирожиддин Аъзамов.

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.


Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

**!** Вакиллик ҳокимиятининг ҳудудий ривожланишга, ижтимоий масалалар жойларнинг ўзида ҳал этилишига таъсирини янада кучайтиришимиз зарур.

— Ҳаракат дастурига асосан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш масаласини ўрганиш ва асосли таклифлар тайёрлашимиз керак эди. Мазкур масалалар тегишли доимий комиссиялар муҳокамасига киритилди. Айни кунларда эса уларни сессия кун тартибига олиб чиқишга тайёргарлик кўраяпмиз.

Очиғи, суҳбат асносида ўзимни қизиқтирган саволларга жавоб олдим. Амалий семинарда эса мавзу юзасидан янада кенг доирада сўз юритилди.

— Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги бугунги ўзгаришлар, ислоҳотлар депутатлар масъулиятини янада оширмоқда, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Шухрат Турсунбоев.** — Хусусан, ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан вакиллик ҳокимияти, депутатлик назоратини кучайтириш бўйича яратилган ҳуқуқий асослар ишимизни янада фаоллаштириш учун янги имкониятлар яратди. Биз бундан самарали фойдаланиб, вакиллик ҳокимиятининг ҳудудий ривожланишга, ижтимоий масалалар жойларнинг ўзида ҳал этилишига таъсирини янада кучайтиришимиз зарур.

Шунингдек, ҳар бир депутат ўз сайлов округида аҳолини тегишли маҳаллий Кенгаш иши тўғрисида мунтазам хабардор қилиб, қонунлар ва ҳокимият вакиллик органлари қарорлари бажарилишини ташкил этиш ҳамда назорат қилишда фаол иштирок этиши керак. Одамлар фикрини, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини доимий равишда ўрганиб бориши зарур. Агар шу жараёнда қонунларнинг бузилиши, ижроси суст олиб борилаётгани аниқланса, бу ҳолат юзасидан барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларига, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат қилиш ҳамда ўртага қўйилган масалани кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Депутат ўзининг мазкур ваколатларидан самарали фойдаланиши ўз-ўзидан депутатлик назорати амалга ошишини таъминлайди.

— Маҳаллий Кенгашлар депутатлари депутатлик назоратини қанчалик даражада таъсирчан олиб борса, бу маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини таҳлил этиш, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларида учраётган муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Боймурод Юсупов.** — Бу орқали жойларда қонунлар ижроси самарадорлиги таъминланади, ҳаётий таклифлар кўпайишига замин яратилади.

*Жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида 18 та депутатлик сўрови юборилган бўлса, аксариятида кўтарилган масалалар вақтида ҳал этилди.*

Гап шу ҳақда кетганда, бир масала эътиборимиз марказидан четда қолмаслиги керак. Партиямиз гуруҳлари ташаббуси билан давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари раҳбарларининг ҳисоботини сессияда эшитиш тажрибасидан унумли фойдаланиш керак. Бу нафақат ижро ҳокимияти органлари ва мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини оширади, балки депутатлардан ҳам алоҳида фаолликни талаб этади. Чунки муайян масала бўйича ҳисобот эшитишдан олдин депутат табиийки, ҳудудларнинг мазкур йўналишдаги ҳолатини чуқур ўрганади, савол ва таклифлар тайёрлайди. Кўтарилган масала ечими бевосита депутат эътиборида туради. Демак, биз ана шу механизмдан фаолиятимизда кенг фойдаланишимиз керак.

Семинарда билдирилган таклифлар асосида муҳим вазифалар белгилаб олинди. Унга кўра, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг назорат функцияларини мустаҳкамлаш, партия депутатлик гуруҳларининг барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги фаолиятига таъсирини ошириш, жамоатчилик назоратини изчил олиб бориш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

**Лазиза ШЕРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



# Банк тизими: ишончли ва кафолатли

## ИҚТИСОДИЁТ ВА ИСЛОҲОТ

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар инсон манфаати, Ватан равнақи ва халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш каби улуғ мақсадларга қаратилган. Иқтисодий ислоҳотларнинг самарали амалга оширилиши ва иқтисодий соҳаларнинг барқарор тараққиёти эса банк тизимининг ривожига боғлиқ.**



Шунингдек, бугунги кунда мамлакат иқтисодиётида банк тизими етакчи кучга эга бўлганлигини нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик эксперт ва мутахассислар ҳам эътироф қилишмоқда.

**Ван СЯШОУ,**
***Шанхай Хорижий мамлакатлар билан дўстлик уюшмасининг ижрочи вице-президенти (Хитой Халқ Республикаси):***

— Хитой Ўзбекистонни буюк қўшни, қадимий тарих ва ноёб маданият, улкан салоҳиятга эга бўлган ва ўз олдига қўйган мақсадлар сари дадил бораётган мамлакат сифатида билади. Инвестициявий ҳамкорлик Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги алоқаларнинг энг муҳим йўналишларидир. Ушбу ҳамкорлик айни пайтда ҳар икки томон учун устувор лойиҳалар ҳисобидан кенгайиб, энг муҳим йўналишлар бўйича сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

Халқларимиз икки минг йил муқаддам Буюк Ипак йўлида бир-бири билан яқин ҳамкорликда бўлганлар. Президент Ислом Каримов томонидан икки давлат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилгандан буён ўтган 22 йил давомида томонларнинг умумий саъй-ҳаракати туфайли Хитой — Ўзбекистон муносабатлари барча соҳаларда изчил ривожланмоқда.

Юртингизда кўп маротаба бўлганман. Ҳар қайси ташрифимда шаҳарда юзлаб ҳашаматли бинолар қад кўтараётгани, кўзни қувонтирадиган замонавий турли хил оғир ва енгил автомашиналар ишлаб чиқарилаётгани, завод ва фабрикалар йилдан-йилга кўпайиб бораётгани, энг муҳими, халқингизнинг эртанги кунга бўлган ишончи мустаҳкамлиги эътиборимни тортади.

Юртингизда яратилган қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳити хорижий ҳамкорлар сонининг ошишида муҳим омил бўлмоқда. Дунёдаги қатор давлатлар иқтисодиётига назар солсангиз, уларда глобал иқтисодий инқироз ўз таъсирини кўрсатиб, ушбу давлатларнинг банк тизими катта миқдордаги моддий зарар кўришига ёки олаётган фойдасининг бир неча баробарга камайиб кетишига, натижада капиталлашув даражасининг кескин пасайишига олиб келяпти.

Яқинда жаҳоннинг энг нуфузли рейтинг агентликларидан бири «Мудис» Ўзбекистон банк тизимига бешинчи йил барқарор рейтинг баҳосини берди. Биласиз, ушбу агентлик ижобий баҳосини олиш учун банклар олдига қўйилган талаблардан келиб чиқиб, барча меъёрларга жавоб бериши керак.

Ўзбекистон банкларининг бундай баҳо олиши омиллари кўп. Жумладан, мамлакатингиз банк тизими раҳбарияти томонидан банкларнинг бир маромда ишлаш стратегияси пухта ишлаб чиқилган. Сизда ҳар бир банкка алоҳида ёндашилади, капиталнинг ўсиши бевосита назоратга олиниб, унинг активларини сифат жиҳатдан яхшилаб боришга асосий эътибор қаратилади.

Шу ўринда айрим мамлакатларнинг банк тизими бир неча йилдан буён салбий ҳолатлигича қолаётганлиги ёки банкларининг кредит портфелида муаммоли кредитларнинг юқорилиги, ҳатто банк омонатчилари олдидаги вазифасини ҳам бажара олмаётганини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Яқинда Хитойда дунёнинг етакчи банк раҳбарлари, иқтисодчи олимлари иштирок этган катта анжуманда ҳам юқорида айтиб ўтилган ҳолатлар қайд этиб ўтилди.

Юртингизда 500 га яқин Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси самарали фаолият кўрсатмоқда. Банкларингиз қўшма корхоналар учун қулай шарт-шароитлар яратиб, яқиндан ҳамкорлик қилишяпти. Биз бундай алоқа ва муносабатни қадрлаймиз ва банк тизимининг мутасадди раҳбарларига ўз миннатдорлигимизни билдирамиз!

**Бўрон РЎЗИЕВ,**
***Ўзбекистон Қаҳрамони, Қашқадарё вилояти:***

— Юртимизда ишончли ва барқарор банк тизими фаолият кўрсатаётгани ҳудудларимизда саноат салоҳиятини ривожлантириш дастурларига киритилаётган лойиҳаларни ўз муддатларида молиялаштириш имкониятини бермоқда. Натижада энг чекка ҳудудларда ҳам юзлаб ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилиб, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари жадал ривожланмоқда.

Банкларга кредит олиш учун қилинган мурожаатлар уч банк иш кунида кўриб чиқилиб, амалий ёрдам ва хулоса берилмоқда. Банкларга мурожаат қилган тадбиркорлар банкларда кредит ресурс маблағлари етарли бўлганлиги сабабли, ҳеч бир қийинчиликсиз кредитлар олиб, ўз бизнесларини йўлга қўйиб, юқори натижаларга эришмоқдалар.

Тадбиркорликни йўлга қўйишни истаган хотин-қизлар ҳам банклар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Буни бизнинг вилоят мисолида ҳам кўриш мумкин. Сўнгги 10 йил ичида аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга ажратилаётган кредит салмоғи 23 баробарга ошган, шу йилнинг ўтган ойлари давомида эса 13,6 млрд. сўм кредит ажратилган. Шунингдек, қишлоқ ҳудудларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга биргина шу йилнинг ўтган ойлари давомида 28 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилиб, охирги 10 йил ичида эса мазкур кредитлар ҳажми 20 баробарга ўсган.

Шу ўринда айтиш жоизки, тадбиркорларга ажратилаётган кредитларнинг ҳар йили 30 фоизга ошиши аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш дастурининг тўлиқ бажарилишига имкон бермоқда.

Бугун вилоятимизнинг қайси бир чекка қишлоғидаги аҳоли ёки тадбиркор билан суҳбатлашсангиз, банкларга бўлган ишончнинг тобора ортаётганини кўришингиз мумкин. Улар банкларда сақланаётган омонатларидан кўнгли тўқлиги, келишилган муддатгача омонатлар салмоғи ошаётганини мамнуният билан айтишмоқда.

Албатта, буларнинг барчасига муҳтарам Президентимизнинг Фармон ва қарорлари билан яратилган имтиёз ва имкониятлар аҳолига кенг тушунтириб борилаётгани, банк тизими томонидан кредитлашнинг тартиб-қоидалари ниҳоятда соддалаштирилганлиги, ҳар хил замонавий хизмат турлари жорий этилаётгани ва албатта, мижозлар учун банкда қулай ишбилармонлик муҳити яратилганлиги туфайли эришилмоқда.

Банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, тадбиркорларга яратилган қулай шарт-шароитлар хорижий экспертлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Узоққа бормайлик, ўтган йилнинг октябрь ойида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси томонидан эълон қилинган бизнесни юритиш бўйича ҳисоботда Ўзбекистоннинг кредитлаш соҳасидаги рейтинг кўрсаткичи 24 поғона юқорига кўтарилганлиги бу борада олиб борилаётган ишларнинг нечоғлик самара бераётганлигидан далолатдир.

Хулоса қилиб айтганда, бугун юртимизда ҳар томонлама кафолатланган, мустаҳкам ва ишончли банк тизими фаолият кўрсатаётгани халқимизнинг ютуғидир. Қашқадарё вилояти аҳолиси, тадбиркору ёшлари банк тизимидан кўнгли тўқ, чунки банкларнинг амалий ёрдами туфайли улар ўз орзу-мақсадларига эришмоқдалар. Уй-жойли бўлишмоқда, фарзандларига тўй-томоша қилишмоқда.

**Анoржон ВАПАЕВА,**
***Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани, Каттабоғ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси:***

— Бугунги кунда юртимиздаги ўзгаришларни кўриб қалбингиз ғururга тўлади. Халқимиз тинч, осуда ва бахтли ҳаёт кечирмоқда. Тадбиркорлар банкларнинг амалий ёрдами билан оилавий корхоналар очиб, ҳам оиласи, ҳам юрт фаровонлигига ҳисса қўшмоқда. Буни бизнинг қишлоғимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Кечагина коллежни битирган ёшларимиз бугун банкларнинг имтиёзли кредитлари эвазига хусусий корхона очиб, тенгдошларини иш билан таъминламоқда.

Очиғини айтиш керак, оммавий ахборот воситалари орқали кўриб турибмиз, ҳали-ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида банкларнинг барқарор ва ишончли фаолият кўрсатиши осон иш эмас.

> **Юртимизда ишончли ва мустаҳкам банк тизимининг шакллангани аҳолининг фаровон ҳаёт кечиришида, янги иш ўринлари ташкил этилишида муҳим омил бўлмоқда.**

Бугун мамлакатимиздаги қайси бир банкка борсангиз, мижозлар билан тўлалигига кўзингиз тушади. Чунки халқимизнинг банкларга бўлган ишончи тобора мустаҳкамланмоқда.

Юртимизда ишончли ва мустаҳкам банк тизимининг шаклланганин аҳолининг фаровон ҳаёт кечиришида, янги иш ўринлари ташкил этилишида муҳим омил бўлмоқда.

Бу, авваламбор, мустақиллик йилларида Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида мамлакатимизда халқаро талаблар даражасига мос келадиган банк тизими яратилганлиги туфайли, деб ўйлайман.

Зеро, мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан банк-молия тизимининг такомиллашувига боғлиқ. Бугун соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар бунга қатъий ишонч уйғотади.

**Республика Марказий банки маълумотлари асосида Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.**

РЕКЛАМА

*Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

## Самарқанд вилояти давлат солиқ бошқармаси

***2014 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:***

**Самарқанд вилояти давлат солиқ бошқармаси маъмурий биноси ҳудудининг ички ва ташқи томонини ободонлаштириш.**

***Буюртмачи бошланғич нархи:*** ҚҚСсиз — 140 315 110 сўм, ҚҚС билан — 168 378 132 сўм. ***Қурилиш муддати*** — 1 ой.

**Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

***Буюртмачи:*** Самарқанд вилояти давлат солиқ бошқармаси.

***Манзили:*** Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 85-«А» уй, ***телефон:*** (8366) 234-04-10.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан пудрат ташкилотини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

***Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:*** танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

**Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. тел.: 231-13-51, факс: 233-32-00.**

***Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.***

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносида соат 10:00 да ўтказилади.

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**2014 йил 8, 10, 15 ва 17 июль кунлари бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукционга таклиф этади**

Очиқ аукционга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз улушлари қўйилмоқда:

| Т/р | Объект номи | Сотилаётган объект | | Аукционга қўйилаётган объект бошланғич баҳоси | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | манзили | асосий фаолият йўналиши | сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «KINDER FRUITS» МЧЖ | Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-уй | Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш ва концентратланган пюре ишлаб чиқариш | 16 450 897 500,0 | 7 269 733,27 |
| 2. | «FARG'ONA KIMYO ZAVODI» МЧЖ | Фарғона шаҳри, Нозим Ҳикмат кўчаси, 15-уй | Пахта целлюлозаси ва этил техник спирти ишлаб чиқариш | 59 142 493 600,0 | 28 997 104,14 |
| 3. | «NAMANGAN QOG'OZI» МЧЖ | Наманган шаҳар, Қурувчилар кўчаси, 50-уй | Ёзув ва офсет қоғози ишлаб чиқариш | 3 970 500 000,0 | 1 802 969,76 |
| 4. | «ASIA SOKATO» МЧЖ | Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Чинобод кўчаси, 12-уй | Минерал сув, мевали жем ва сабзавотли консервалар ишлаб чиқариш | 1 463 700 000,0 | 717 640,71 |
| 5. | «NUKUS AGRO» МЧЖ | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани, Самбай овули | Томат пастаси ишлаб чиқариш | 1 785 453 700,0 | 853 018,82 |
| 6. | «ASAKA MAK» МЧЖ | Андижон вилояти, Асака шаҳри, Т.Алиева кўчаси, 5-уй | Макарон ишлаб чиқариш | 3 546 012 000,0 | 1 610 213,42 |
| 7. | «VODIY MUZQAYMOG'I» МЧЖ | Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 5-уй | Музқаймоқ ишлаб чиқариш | 1 064 409 000,0 | 521 871,45 |
| 8. | «OQ SAROY TEXTILE» МЧЖ | Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Беруний кўчаси, 44-уй | Ип-калава ва мато ишлаб чиқариш | 54 385 350 518,0 | 24 695 917,95 |
| 9. | «KOSONSOY TO'QIMACHI» МЧЖ | Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Истанбул кўчаси | Трикотаж ипи, жунли ва ярим жунли матолар, адёллар ишлаб чиқариш | 24 500 000 000,0 | 11 125 238,40 |
| 10. | «ROYAL SILK» МЧЖ | Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Чинобод кўчаси, 12-уй | Табиий ипак ишлаб чиқариш | 5 051 423 000,0 | 2 232 248,90 |
| 11. | «CHINOZ TEXTILE» МЧЖ | Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, Самарқанд кўчаси, 100-уй | Ип-калава ва мато ишлаб чиқариш | 35 517 582 000,0 | 16 500 542,16 |
| 12. | «NAM TEX» МЧЖ | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 94-б уй | Ип-калава ишлаб чиқариш | 10 787 016 789,82 | 4 898 291,16 |
| 13. | «NAMANGAN TO'QIMACHI» МЧЖ | Наманган шаҳри, 4-кичик туман, Тўқимачилар кўчаси | Ип-калава ишлаб чиқариш | 62 941 505 000,0 | 28 228 561,11 |
| 14. | «ANDIJON CHARM» МЧЖ | Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, Оқтепа қишлоғи | Йирик ва майда шохли мол терисини қайта ишлаш ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 6 003 004 740,0 | 2 943 226,49 |
| 15. | «SOGDIANA PIPEPLAST» МЧЖ | Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 1-уй | Полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш | 3 145 245 000,0 | 1 542 089,14 |
| 16. | «GAZALKENT STONE» МЧЖ | Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Заводская кўчаси, 1-уй | Гранит ва мармар плиталар ишлаб чиқариш | 5 790 000 000,0 | 2 838 791,92 |
| 17. | «XUMO TO'QIMACHI» МЧЖ | Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Наврўз шоҳ кўчаси, 2-уй | Ип-калава ишлаб чиқариш | 10 454 271 000,0 | 4 747 194,17 |

**Очиқ аукцион шартлари**

Аукцион ғолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизи миқдоридан кам бўлмаган маблағни аукцион ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Аукционда сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бирйўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиғига фоизлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар объектни ўзгага бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Ўзмиллийбанк» бундан мустасно) тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати «Kinder Fruits» МЧЖ, «Farg'ona Kimyo Zavodi» МЧЖ, «Namangan Qog'ozi» МЧЖ, «Asia Sokato» МЧЖ, «Nukus Agro» МЧЖ, «Asaka Mak» МЧЖ, «Vodiy Muzqaymog'i» МЧЖ, «Oq Saroy Textile» МЧЖ, «Kosonsoy To'qimachi» МЧЖ, «Royal Silk» МЧЖ, «Chinoz Textile» МЧЖ, «Nam Tex» МЧЖ, «Namangan To'qimachi» МЧЖ бўйича 7 йилдан, «Andijon Charm» МЧЖ, «Sogdiana Pipeplast» МЧЖ, «Gazalkent Stone» МЧЖ, «Xumo To'qimachi» МЧЖ бўйича 1 йилдан ошмаслиги лозим.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), аукцион ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар, аукцион ташкилотчисининг аукционни ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда юзага келадиган бошқа барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Аукционда иштирок этиш учун талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:**

❖ юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

❖ жисмоний шахслар учун — паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

❖ аукцион тўғрисида эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукционда иштирок этиш учун талабгорлар томонидан аукционга қўйилаётган «Kinder Fruits» МЧЖ, «Farg'ona Kimyo Zavodi» МЧЖ, «Namangan Qog'ozi» МЧЖ, «Asia Sokato» МЧЖ, «Nukus Agro» МЧЖ, «Asaka Mak» МЧЖ, «Vodiy Muzqaymog'i» МЧЖ, «Oq Saroy Textile» МЧЖ, «Kosonsoy To'qimachi» МЧЖ, «Royal Silk» МЧЖ, «Chinoz Textile» МЧЖ, «Nam Tex» МЧЖ, «Namangan To'qimachi» МЧЖдаги улушлар бошланғич баҳосининг 5 фоизи миқдорида, «Andijon Charm» МЧЖ, «Sogdiana Pipeplast» МЧЖ, «Gazalkent Stone» МЧЖдаги улушлар бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида ҳамда «Xumo To'qimachi» МЧЖдаги улуш бошланғич баҳосининг 3 фоизи миқдоридаги закалат пулини «Toshkent Universal Auktsion Savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 2020 8000 704 929 318 001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Аукционда иштирок этиш учун буюртманомаларни қабул қилиш аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган санадан бошланади ва аукцион ўтказиш бошланишидан камида уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагида бўлган талабгорлар уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Очиқ аукцион белгиланган кунлари соат 15:00да бошланади ва Тошкент шаҳри, Мирободтумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали) манзилида бўлиб ўтади.

*Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:*

***Сотувчи (Банк):*** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй; ***телефон:*** (8–371) 234-11-22, 234-15-60; ***телефакс:*** (8–371) 234-43-31.

***Аукцион ташкилотчиси:*** Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; ***телефон:*** (8–371) 233-02-49; ***телефакс:*** (8–371) 233-23-40, ***электрон почта:*** TUAS_MCHJ@mail.ru

*Гувоҳнома № 005357*

Дунёни гўзаллик қутқазади, деган қарашлар бор. Бизнингча, дунёни меҳр, муҳаббат, оқибат қутқазади, асраб қолади...

Shu aziz VATAN — barchamizniki!
O'ZBEKISTON OVOZI
Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

# «ҲАР ГЎДАКНИ МЎЪЖИЗА ДЕБ БИЛИНГ, ҚУТҚАРИШИ МУМКИН ДУНЁНИ»

## «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари, Республика «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди АКЦИЯСИ

***Тошкент шаҳри, 2014 йил 30 май, Ногирон болалар 1-сон мурувват интернат уйи***










Тошкент шаҳридаги Ногирон болалар 1-сон мурувват интернат уйи спорт майдони байрамона безатилган. Тарбияланувчилар, тарбиячилар кимнидир кутмоқда...

Бугун бу ерда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари ҳамда «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди ҳамкорлигидаги акция бошланади.

Ундан кўзланган асосий мақсад «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, ёрдамга муҳтож, ўксик қалбларга малҳам бўлиш, жамиятда меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлаш, одамларни бир-бирига янада эътиборлироқ бўлишга ундашдир.

Тадбирда қатор жамоат ташкилотлари, ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, ҳомийлар, чет эл ваколатхоналари вакиллари, олий ўқув юртлари талабалари, ота-оналар, маҳалла фаоллари ҳамда санъаткорлар иштирок этди.

**Асрор МИРЗАҲМЕДОВ,**
***«Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди бошқаруви раиси:***



— Соғлом бола йили муносабати билан бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқдик. Улардан бири «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари билан ҳамкорликдаги акциядир. Бугунги тадбирнинг бош ғояси — жисмоний имконияти чекланган болаларга кўмак бериш, улар қалбида эртанги кунга умид уйғотишдир.

Жамғармамизнинг бутун фаолияти ижтимоий ҳимояга қаратилган бўлса-да, болаларга берилган совға, болалар учун ўтказилган байрам ҳар қандай инсонга бошқача таъсир қилади.

Акция доирасида ушбу муассасага етти миллион сўмдан ортиқ ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Бундан кейин ҳам бу ишларни ҳамкорларимиз, ижтимоий шерикларимиз билан биргаликда давом эттирамиз. Ўйлайманки, биз олдимизга қўйилган мақсадларимизга бир қадар эришдик.

Фондимизнинг бош вазифаси меҳр ва эътиборга муҳтож инсонларга кўмак бериш, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдир. Шу боис қаерда кимгадир ёрдамимиз зарур бўлса биз ҳамиша тайёрмиз.

Ушбу акцияни ташкил этиш ташаббусини қўллаб-қувватлагани учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда ЎзХДП Марказий Кенгашига миннатдорлик билдирмоқчиман.

**Абдуазиз ЭШМУРОДОВ,**
***Ногирон болалар 1-сон мурувват интернат уйи директори:***

— Бугунги тадбир нафақат болалар, балки шу даргоҳдаги ҳар бир инсон хотирасида бир умрга сақланиб қолади. Чунки, биз учун болаларни хурсанд кўришдан, шодон кулгусини эшитишдан ортиқ бахт йўқ.

Болаларимиз акцияга катта тайёргарлик кўришди. Куй-қўшиқлар, саҳна кўринишлари, рақслар тайёрлашди. Уларнинг орасида шеър ёзадиганлари, расм чизадиганлари, қўшиқ айтадиганлари кўпчиликни ташкил этади.

Шу ўринда яна бир гап. Болаларимиз меҳмонларни, мактабимизга келадиган одамларни жуда яхши кўришади. Улар жажжи юраклари билан меҳрни ҳис этади, англайди.

Мактабимизда ҳамма нарса бор. Ҳеч қандай камчилик, муаммо йўқ. Болаларга фақат одамларнинг меҳри, эътибори керак. Бугун ўтказилаётган акция болаларимизга ана шу туйғуларни беришига ишонаман.

Муассасамизда болаларни жамиятга интеграциялашувини таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, соғлиғини тиклаши учун ҳукуматимиз томонидан барча шароит ва имкониятлар яратилган. Тарбияланувчиларимиз мунтазам шифокор назоратида бўлишади.

Бугунги кунда мурувват уйида 300 нафардан ортиқ бола бор. Уларга саксонга яқин тарбиячи ва шифокор хизмат кўрсатади. Бу ерда болалар саломатликларини тиклайди, билим олади, ҳунар ўрганади, спорт билан шуғулланади. Улар орасида халқаро мусобақаларда иштирок этиб, юқори ўринларни қўлга киритган ўғил-қизлар кўп.

**Зокиржон ХОЛМАТОВ,**
***ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири:***

— Бизнинг мамлакатимизда меҳрга муҳтож, ўзгаларнинг қўллаб-қувватлашига эҳтиёжманд кишилар манфаатлари давлат томонидан доимий равишда ҳимоя қилинади. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Уларни нафақат давлат, балки биз ҳам эъзозлашимиз, кўнглини кўтаришимиз зарур.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бош ғояси ҳам айнан ижтимоий ҳимояга қаратилган. Шу боис партиямиз тизимида ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган лойиҳалар мунтазам амалга оширилади. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз орқали аҳолининг ижтимоий ҳимояси борасидаги қонунларни янада такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бугунги акция ташкилотчилари хайрли ишга қўл уришган. Бу тадбир Соғлом бола йили муносабати билан амалга оширилаётган энг яхши, энг савобли, энг хайрли ишлардан биридир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши бундай ташаббусларни янада кўпайтириш тарафдори. Келажакда акция тадбирларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳи аъзолари, партия фаоллари ҳам иштирок этади.

**Асқар БОБОЕВ,**
***Тошкент темирйўл муҳандислари институти қурилиш факультети декани ўринбосари:***

— Қаранг, болалар қанчалик хурсанд. Улар бизга қараб қўлларини силкитишаяпти. Қани энди ногирон болалар бўлмаса. Ҳамма болалар соғ-саломат юрса. Лекин бу ҳаёт, унинг аччиқ томонлари ҳам бор. Мен бу ердаги болаларда келажакка умид, соғайишга интилиш, ҳаётга бўлган қизиқишни кўраяпман.

Бугун жуда олийжаноб ишлардан бирига гувоҳ бўлиб турибмиз. Ушбу тадбирда институтимизнинг 30 нафарга яқин талабаси қатнашмоқда. Жамоамиз томонидан тайёрланган совғаларни болаларга тақдим этдик. Кейинчалик ҳам ҳамкорлигимиз давом этади, деб ўйлайман.

**Юлия ДРОПОВА,**
***АҚШ элчихонаси ходими:***

— Дунёда болаларни севмайдиган халқ топилмаса керак. Бироқ Ўзбекистон энг болажон мамлакатлардан биридир. Бу ерда бола тақдири учун нафақат ота-она, балки бутун жамоатчилик жон куйдиради. Биз ҳар йили болалар кунига бағишлаб ўтказиладиган тадбирларда иштирок этамиз. Бугунги байрам жуда файзли ўтмоқда. Болажонларнинг ўзи ҳам бу байрамга ажойиб тайёргарлик кўрибди. Бундай тадбирларни кўнгиллилар, жамоат ташкилотлари ҳамкорликда ўтказаётгани таҳсинга сазовордир...

Ҳар бир хайрли ишнинг қанот ёзиши атрофдагиларнинг қўллаб-қувватлашига боғлиқ.

Таҳририятимиз саъй-ҳаракати билан ўтказилаётган ушбу акцияда кўплаб ҳомийлар, жамоат ташкилотлари қатнашиш истагини билдирмоқда. Мазкур акция, аввало, инсоний туйғуларни улуғлаш, жамиятда ўзаро ҳурмат, бирдамлик тамойилларини қарор топтириш, яхшиликни, эзгуликни, меҳр-оқибатни мустаҳкамлашга қаратилгани билан қадрлидир.

**Нурали ОРИПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Фаррух ҲАМРОЕВ,**
***«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири биринчи ўринбосари:***



— Таҳририятимизда болалар учун махсус акция ўтказишни режалаштирган эдик. Бу мақсадимиз Соғлом бола йилида рўёбга чиқди.

Биринчи акциямиз айнан 1-сон мурувват уйида ўтаётгани ҳам ўзига хос рамзий маънога эга.

Мен бу ерда ишлаётган тарбиячилар, шифокорлар, барча мутасаддиларга алоҳида раҳмат айтмоқчиман. Булар ҳақиқий фидойи инсонлар.

Шунингдек, яна бир хушхабарни сизларга етказмоқчиман. Бугундан бошлаб таҳририятимиз «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди билан бирга Ногирон болалар 1-сон мурувват интернат уйини оталиққа олишга қарор қилди.

Биз мазкур акцияни Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги Ногирон болалар махсус мактаб-интернатларида ўтказамиз. Мазкур акциянинг навбатдагиси июнь ойида Бухоро вилоятида ташкил этилади.

Дунёни гўзаллик қутқазади, деган қарашлар бор. Бизнингча, дунёни меҳр, муҳаббат, оқибат қутқазади, асраб қолади...



**Шаҳноза ҚЎЙЛИЕВА,**
***ЎзМУ филология факультети 3-курс талабаси:***

— **«Ҳар гўдакни мўъжиза деб билинг, қутқариши мумкин дунёни»...** Бу сўзларда жуда катта маъно-мазмун бор. Ушбу номдаги акция ҳар қандай расмиятчиликдан холи, фақатгина болалар қувончи учун ташкил этилгани билан эътиборга сазовор.

Ҳар бир инсоннинг қалбида эзгулик яшайди. Фақат уни уйғотиш, савобли ишларга бағишлаш керак. Бугунги тадбир бошқаларни ҳам ана шу эзгу ғоя атрофида бирлашишга чақиради, деб ўйлайман.

Акциянинг мунтазам давом этиши эса унинг нуфузини янада оширади. Аслида инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлашга қаратилган ҳар қандай ҳаракат жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланиши керак.

---

**«СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА**

# «Ер юзида тинчлик бўлсин»

***шу мавзудаги расмлар кўрик-танловининг Республика босқичи Тошкент Фотосуратлар уйида бўлиб ўтди***



ЎзА олган сурат.

**«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, Халқ таълими вазирлиги ва Бадиий академия ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танловда 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар иштирок этди. Ёш истеъдод эгаларининг юздан ортиқ ижод намуналари томошабинлар ва ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола қилинди.**

...Кўнгли орзуларга тўла она бешик тебратмоқда. ...Жажжигина қизалоқ мактаб остонасига илк қадамини қўймоқда. ...Набира ва бобо суҳбати. ...Ўзбекистон байроғини қўлларида маҳкам тутган навқирон аскар Ватан ҳимоясига отланган.

Тошкент шаҳридаги 24-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Мадина Умаралиева ўзининг тинчлик тасаввурларини мана шундай самимий туйғулар билан ифодалаган. Умуман, бўлажак рассомларнинг ҳар бири юрт тинчлиги борасидаги тушунчаларини рангларда ифода қилишган.

— Расм чизишни бобомдан ўрганганман, — дейди танлов ғолиби, Ромитан туманидаги 1-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Беҳруз Далеров. — У киши менинг биринчи устозим. Ўрин олганимни эшитиб, бобом мендан кўра кўпроқ хурсанд бўлди. Танловда «Сайёрамизда тинчлик» деб номланган расмим билан қатнашдим. Унда қўлларида кабутар тутиб турган болалар тасвирланган. Бу — ер юзида доимо тинчлик бўлсин, деганидир.

— 1-синфдан расм тўгарагига бораман, — дейди танлов ғолиби, Гулистон шаҳридаги 7-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Артём Брухтий. — Бу танловда «Ўзбек ўғлони» деб номланган расмим билан иштирок этдим. Мен унда бокс бўйича жаҳон чемпиони бўлган спортчини тасвирладим. Унинг қўлларида Ўзбекистон байроғи. Ўзим ҳам спортни яхши кўраман. Бир йилдан бери кураш билан шуғулланаман. Келажакда ҳам рассом, ҳам спортчи бўлмоқчиман.

...Тинчлик туйғусини жажжи юракларига жо этган мана шу болаларга ҳавасим келди. Қани энди бутун ер юзидаги барча инсонлар тинчлик ҳақида шу болалар каби ўйлашса, тинчликни улар каби севишса, қадрлашса...

Танлов якунларига кўра, совринли ўринларни қўлга киритган 15 нафар иштирокчига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

# «Олимпия куни»га бағишланади

Жорий йилнинг 7 июнь куни пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Халқаро Олимпия қўмитаси шафелиги ҳамда Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида «Олимпия куни» муносабати билан ўзига хос спорт байрам ўтказилади.

Ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — олимпия ғояларини, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, катта-ю кичик қалбида жисмоний тарбия ва спортга бўлган меҳрни янада юксалтиришдан иборат.

Мусобақанинг финал босқичи 21 та (ёш) гуруҳда ўтказилиб, унда 5 ёш ва ундан катта бўлган иштирокчилар турли масофаларга (50 метрдан — 1609 метргача) югуриш бўйича ўтказиладиган мусобақаларда иштирок этади.

**Ўз мухбиримиз.**

ЭЪЛОН



«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ»
ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ
барча тадбиркорларни компания кооперация-кўргазмасининг доимий ишловчи экспозициясига таклиф этади.
***Иш тартиби:*** душанба-жума кунлари соат 9:00дан 18:00гача.
***Манзил:*** Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6.
***Телефон:*** 244-39-47, 244-50-54.
www.vinsanoat.uz

Авазов Лазиз Шералиевич номига Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан 2006 йил 5 июлда берилган рўйхатга олиш рақами К5, В№238710-сонли ва Қарши муҳандислик иқтисодиёти институти томонидан 2009 йил 26 июнда берилган Рўйхатга олиш рақами 3420, В№442985-сонли бакалавр дипломлари йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz
MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 660 | 18391 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 01.15
Sotuvda kelishilgan narxda
Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV
ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5